

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Косонсой туман Ободонлаштириш  
бошқармаси  
раҳбари Б. Бобохонов



Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан  
маъмурий бинони таъмирлаш учун керакли курилиш моллари сотиб олиш буйича

## ТАНЛОВ УТКАЗИШ УЧУН

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

Косонсой туман 2022 йил

## ТАЛАБЛАР

1	Объект номи	Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан маъмурий бинони таъмирлаш учун керакли қурилиш моллари сотиб олиш буйича
2	Буюртмачининг тулик номи	Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртмачининг юридик манзили	Наманган вилояти Косонсой туман М.Аъзам МФЙ
4	Танлов утказиладиган манзил	Косонсой туман М.Аъзам МФЙ
5	Бажариладиган ишлар тугрисида изох	Қурилиш моллари тугрисида маълумот
6	Ишнинг техник тавсифи	Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
7	Ишларни бажариб бериш шартлари	Бажариладиган ишларни тулик сифатли талаб даражасида бажариб берилди
8	Иш миқдори	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
9	Бажарувчига қўйиладиган талаблар	Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан маъмурий бинони таъмирлаш учун керакли қурилиш моллари сотиб олиш ва урнатиб бериш
10	Молиялаштириш манбайи	«Бюджет» маблағлари
11	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг қорхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома суммаси тахминан 18289600 (Ун саккиз миллион икки юз саксон туккиз минг олти юз ) сўмлик ишлар бажаралиши режалаштирилган.
12	Тулов шартлари ва шакллари	Контракт шартларига асосан

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома  
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Косонсой туман марказий кучалари ва Бешкетмон, Навбахор МФЙ ҳудудларига экилган гул кучатлари учун сифатли биоғомус етказиб бериш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 18289600 (Ун саккиз миллион икки юз саксон туккиз минг олти юз) сўмлик ишлар бажаралиши режалаштирилган. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Почта манзили: \_\_\_\_\_, Наманган вилоят, Косонсой тумани, М. Аъзам МФЙ, Шохчинор кўчаси, 4-уй Эл.адрес: [200060024\\_512000026@uzex.uz](mailto:200060024_512000026@uzex.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади: -танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридидаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; -шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; -танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; -ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; -танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); -Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: -кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Косонсой туман Ободонлаштириш  
бошқармаси раҳбари:



Б.Бобохонов